


Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

## Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 8 декабрь • №48 (1431)

БОШ ҚОМУСИМИЗ 30 ЁШДА

## ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ – ЧИНАКАМ ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ



**Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, фаровон жамият барпо этишни орзу қилган, инсон қадри азиз бўлган адолатли давлат қуришни ўз олдига мақсад қилган ҳар қандай халқ давлат ва ҳуқуқ тараққиётининг машаққатли ва шарафли йўлини босиб ўтганига гувоҳ бўламиз.**

Сўнги йилларда халқимиз янги улугвор марралар сари собит қадамлар ташлаганча барча тўсиқ ва қийинчиликларни енгиб ўтиб, моҳиятан бир-бирини тақозо этувчи сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий соҳалардаги изчил ислохотларни амалга оширмоқда. Бугун янги Ўзбекистон демократик принциплар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни борасида умумэтироф этилган принцип ва нормаларга асосланган, бош мақсади халқ учун эркин, обод ҳамда фаровон ҳаёт яратиш беришдан иборат бўлган давлатга айланди. Шундай эзгу мақсадлардан бири аҳолининг кенг қатлами ва сайловчилар хоҳиш-иродаси бўлмиш консти-

туциявий ислохотларни амалга оширишдан иборат бўлди. Негаки, давлат ва жамиятда туб ўзгаришлар рўй бераётган бир пайтда табиий равишда Конституцияга жиддий ўзгартиришлар киритиш тақозо этилади. Зеро, ҳар қандай демократик ислохотлар чин маънода халқчил конституциявий асосга эга бўлсагина, янада

бардавом бўлади, кўзланган эзгу мақсадларга эришади.

**ХАЛҚ – КОНСТИТУЦИЯ ИЖОДКОРИ**

Президентимиз жорий йилнинг 20 июнида Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда янгиланган Конституция мамлакатимизнинг узок муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли қафолат яратиши лозим эканини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Бу айни ҳақиқатдир. Зеро, ҳар қандай Конституция ҳаётий бўлиши лозим, яъни у мамлакатнинг ижтимоий ва ҳуқуқий воқеликлари, халқнинг орзу-умидлари ва келажак истиқболига, хусусан, замон талабига мос келиши керак. Давлатимиз раҳбари янгиланаётган Конституциямиз “Халқ – қонуларнинг ягона манбаи ва муаллифидир” ҳамда “Барча муҳим қа-

ролар бевосита халқ билан мулоқот асосида ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади”, деган тамойилларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилсагина том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси – ҳақиқий халқ Конституцияси бўлишини алоҳида таъкидлади. Конституциявий комиссия ўз фаолиятини айнан шу кўрсатмаларга ҳамда очиклик ва ошқоралик тамойилларига таянган ҳолда амалга ошириб келмоқда. Бугунги кунда нафақат халқимиз, балки жаҳон ҳамжамияти, хорижий олимлар ва экспертлар ҳам янгиланаётган Конституциямизнинг асосий муаллифи ва ижодкори том маънода Ўзбекистон халқи эканини алоҳида эътироф этмоқда. Аҳолининг талаб ва истаklarини инobatта олган ҳолда ҳамда конституциявий қонун лойиҳасини халқимиз билан ҳар

Давоми 2-бетда →

## ҚАЛЪЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ



**Эътироф билан айтиш жоизки, бутун мамлакатимизда халқимиз ҳаётидаги муҳим ва ишончли сана – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 30 йиллиги тантанали равишда нишонланмоқда.**

Зеро, ҳаётимиз куму-си бўлган Конституциямиз мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келаётганлиги албатта, ҳар биримиз учун фахр ва ифтихордир. Таъкидлаш муҳимки,

хусусан, Конституциямизга таянган ҳолда, ўтган йиллар мобайнида жонажон Ўзбекистонимиз ўзининг эркин ва порлоқ истиқболи сари машаққатли, шу билан бирга шарафли йўлни босиб ўтди. Маълумки, Президентимиз жорий йил 8 ноябрдаги фармонида биноан “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони ташкил этилган эди. Байрам ара-

фасида Соғлиқни сақлаш вазирлигида бош қомусимиз қабул қилинганнинг 30 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ

соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирланди.

Шунингдек, мазкур санага бағишланган байрам тадбирлари мамлакатимизнинг тиббиёт муассасаларида ҳам кўтаринки кайфиятда нишонланиб, меҳнатлари эътирофга муносиб бўлган тиббиёт ходимларига ушбу эсдалик нишонлари топширилди.

Ибодат СОАТОВА,  
журналист.

БОШ ҚОМУСИМИЗ 30 ЁШДА

# ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ – ЧИНАКАМ ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Давоми. Боши 1 бетда

томонлама муҳокама қилиш, лойиҳани пишиқ-пухта маромига етказиш мақсадида умумхалқ муҳокамасини ўтказиш мuddати икки марта узайтирилди. Негаки, ҳар бир фуқаронинг қалбидан жой олган, унинг ҳуқуқ ва эркинлигини тўлиқ кафолатлаган халқчил Конституцияни яратиш чуқур илмий-амалий таҳлил, мунозара, мулоҳаза ва муайян вақтни талаб қилади. Депутатлар томонидан ҳудудларга чиқилган ҳолда давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ўшу кекса иштирокида қатор учрашувлар ташкил этилиб, конституциявий ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, бу борадаги миллий ва халқаро даражадаги анжуманлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ҳам юқори савияда ташкил этилмоқда.

Конституциявий қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унинг муҳокамаси бўйича ўтказилган умумхалқ муҳокамаси жараёнида “1341” рақамли колл-марказ, фуқароларнинг бевосита қабули орқали, “Meningkonstitutsiyam.uz” платформаси ҳамда жамоавий таклифлари асосида жами 220 мингдан зиёд таклиф келиб тушди. Бу таклифларнинг 56 фоизи эркаклар, 40 фоизи аёллар томонидан, 4 фоизи эса аноним тарзда билдирилган. Унда хориждаги вагандошлар юборган таклифлар ҳам инobatта олинган ва илмий ҳамжамият иштирокида муҳокама қилиниб, Конституциявий комиссияга тақдим этилган. Энг долзарб таклифлар қонун лойиҳасида ўз аксини топмоқда. Ўз навбатида, конституциявий қонун лойиҳасини қонунчилигимизга тўла мос равишда ташкил қилинган умумхалқ муҳокамаси фуқаролар конституциявий ислохотлар, мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг ташаббускори ва фаол иштирокчиси бўлиб бораётганини кўрсатмоқда. Қонун лойиҳаси бўйича умумхалқ муҳокамаси босқичи тугалланганига қарамай, фуқаролар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан Конституциянинг турли моддаларини такомиллаштириш ва унга қўшимчалар киритиш бўйича шу кунгача 2,5 мингдан ортиқ таклиф юборилган бўлиб, айни пайтда таклифлар келиши давом этмоқда ҳамда улар депутатлар томонидан пухта ўрганилмоқда. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки аҳолимиз менинг Конституциям менинг ҳақ-ҳуқуқимни химоя қилсин, фаровон келажак сари интилишимга ҳуқуқий жиҳатдан йўл очсин, деяпти. Шу боис, конституциявий қонуни лойиҳасини тайёрлашда амалдаги Конституцияда бизга нима тўғри келмайди, ундан нимани сақлаб қолиш лозим, қандай янги ўзгартириш киритиш керак, у халқимизни ҳуқуқ ва эркинликларини нечоғли таъминлаб беради, ёшларимизнинг

талаб-эҳтиёжлари, қолаверса, келажакдан умидлари қандай, деган қатор долзарб саволларга жавоб бериши зарур бўлади.

Биобарин, ҳар томонлама мукамал, халқчил, аҳолининг турли қатламлари вакиллари муаммолари ечимига кафолат бўла оладиган Конституцияни яратиш учун халқ билан бамавқуф иш олиб бориш керак. Токи, ҳар бир фуқаро бу бизнинг Конституциямиз, унинг муаллифи – биз, деб баралла айта олсин.

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИЖОДКОРЛИК: ЖАМОАТЧИЛИК ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИШТИРОКИ

Нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ҳуқуқшунос олимлар, академик ҳамжамият, “ақл марказлари”нинг конституциявий ислохотлардаги фаол иштирокчиси эътироф этиш лозим. Конституциявий ислохотларда жамоатчилик, хусусан, фуқаролик жамияти институтлари иштироки – чинакам халқ Конституцияси гарови. Негаки, “инсон – жамият – давлат” конституциявий тамойилни амалга ошириш адолатли ва очик фуқаролик жамиятининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, унинг институтлари роли ва мавқеини ошириш билан узвий боғлиқдир. Конституциявий ислохотлар жараёнида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда кайд этилган тавсиялар, ЕХХТнинг, жумладан, Янги Европа учун Париж хартияси, Асосий ҳуқуқлар бўйича Европа Иттифоқи хартияси ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида жамиятнинг барча қатламлари вакиллари давлат ва жамият бошқаруви жараёнларида жалб этиш бўйича қабул қилинган халқаро ва минтақавий ҳуқуқий ҳужжатлар алоҳида ҳисобга олинди. Фуқаролик жамияти институтларини ташкил этиш ва улар фаолияти асосларини конституциявий жиҳатдан тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари роли ва аҳамиятини тубдан ошириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, 200 дан ортиқ акт, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси амалга оширилмоқда. Натижада охириги беш йил давомида нодавлат нотижорат ташкилотлар сони 22 фозиди, жумладан, республика бўйича 200 га яқин йирик нодавлат нотижорат ташкилот фаолият бошлади. Бугунги кунда ушбу фуқаролик жамияти институтлари инсон кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда химоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш,

жамиятда бағрикенглик ва инсон ҳуқуқларига доир маданиятни шакллантириш, барқарор ривожланишнинг энг муҳим вазифалари ижросида муҳим роль ўйнамоқда.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, конституциявий ислохотлар жараёнида кенг жамоатчилик иштироки катта аҳамиятга эга. Масалан, 2022 йил 29 сентябрь кунини Тошкентда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори, Европа Иттифоқи делегацияси ва БМТ Болалар жағфармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси иштирокида ўтказилган “Конституциявий ислохотларда жамоатчилик иштироки: миллий ва халқаро тажриба” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари қабул қилган ҳужжатда Ўзбекистонда конституциявий ислохотлар миллий ўзликни англаш ва сиёсий, ижтимоий-маънавий тараққиёт гарови экани, ушбу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари ўрни ва мақоми эътироф этилди. “Жамият – ислохотлар ташаббускори” тамойилни конституциявий мустаҳкамлаш масаласи ҳам анжуман иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди. Зеро, мазкур омил халқпарвар давлатни бунёд этишнинг энг муҳим шартидир.

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР: ХАЛҚАРО ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Конституциявий ислохот барқарор ривожланишнинг зарур юридик замини, дейиш мумкин. Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳар бир фуқаронинг онги ва шууридан жой олган, унинг ҳуқуқ ва эркинлигини тўлиқ кафолатлаган Конституциямиз чинакам қомусга айланиши керак. Илғор конституциявий тажрибани ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Асосий қонунимизни такомиллаштириш Конституциявий комиссиянинг асосий вазифаларидан бири бўлди. Негаки, жаҳон амалиёти ислохотларни изчил амалга оширишда айнан жамият ва давлатни модернизация қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асосини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгаллигини кўрсатапти.

БМТ, ЕХХТ, ШХТ, ЕИ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида қабул қилинган 400 дан ортиқ конвенция, декларация, резолюция ҳамда конституциявий ривожланиш борасидаги халқаро тажриба ўрганиб чиқилди, 193 та мамлакат Конституцияси, конституциявий ислохотлари тизимли равишда таҳлил этилди. Дарҳақиқат, жаҳон тажрибасини синчиклаб таҳлил қилар эканмиз, бугун дунёда ҳеч бир давлатнинг Конституцияси илк бор қабул қилинган таҳририда сақланиб қолганига гувоҳ бўламиз. Биргина XXI асрда дунёнинг 90 га яқин давлатида конституциявий

ислохотлар муваффақиятли ўтказилди, 57 тасида янгиси қабул қилинди. Бу борада энг кўп ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ўн мамлакат сирасига Мексика, Янги Зеландия, Бразилия, Швейцария, Австрия, Исроил, Чили, Колумбия, Грузия ва Ҳиндистон кирди. Турли мамлакатлардаги конституциявий ўзгартиришлар, асосан, ташқи ҳамда ички таҳдид ва хатарларни инobatта олган ҳолда уларга жавоб беришга қаратилгани билан ўзаро ўхшашлигини таъкидлаш жоиз. Замонавий конституциялар бундан юз йил олдин унчалик кўзга ташланмаган янгидан-янги – атроф-муҳит, гендер тенглик, инсон, айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар, келажак авлод ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш каби долзарб масалаларни қамраб олган. Халқаро ва хорижий тажрибани чуқур таҳлил этиш ва ўрганишлар асосида “Жаҳон конституциялари”, “Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар конституциялари”, “Конституциявий ислохотлар: дунё мамлакатлари тажрибаси” (5 жилдли) каби 10 дан зиёд асар яратилди. Улар асосида конституциявий қонун лойиҳаси ва ислохотларга оид фикр-мулоҳазалар, таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан “Жаҳон конституциялари” номли илмий-таҳлилий тўплам ўзбек тилида нашр қилинган эса айни муддао бўлди. Китобхонлар эътиборига ҳавола этилган тўплам жаҳоннинг энг илғор 11 давлати – АКШ, Буюк Британия, Саудия Арабистони, Германия, Италия, Польша, Чехия, Иордания, Словакия, Франция, Япониянинг конституциявий тузуми тўғрисидаги қисқача очерклар ва конституцияларнинг расмий матнidan ташкил топган. Ҳар бир очеркда мамлакат номи, худуди, аҳолиси, диний эътиқоди, давлат тузилиши ва сиёсий партиялари ҳақида қисқача таҳлилий маълумотлар келтирилган.

“Жаҳон конституциялари” китобини яратишдан бош мақсад Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар жараёнида жамоатчиликни дунё мамлакатлари конституциялари билан таништиришдан иборат, – деб ёзилган тўпламнинг кириш сўзида. Зеро, Конституция муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида инсоният тамаддунининг ютуғи, умуминсоний қадрият ва демократик тараққиётнинг юридик асосидир. Ҳозир замонавий конституцияларда ахборотлашган жамиятни шакллантириш, шахсий рақамли маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш, илмий-технологик ва инновацион ривожланиш каби элементларни жорий этиш масалалари ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Тўплам муаллифлари китобхон диққат-эътиборини айнан шу масалаларга қаратишга муваффақ

бўлган. Ўзбек тилида нашр этилган “Жаҳон конституциялари” илмий-таҳлилий тўплами мамлакатимизда конституциявий ислохотларни жаҳон тажрибаси асосида амалга оширишда ўзига хос илмий манба бўлиб хизмат қилади.

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ: ЖАМОАТЧИЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИ

Конституциявий қонун лойиҳаси мустақил Ўзбекистон тарихида илк мартаба фуқаролик институтларининг бевосита иштироки ва ташаббуси асосида жамоатчилик, гендер, бола ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқлари, хусусан, ногиронлиги бор шахсларнинг кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш, ижтимоий давлат қуриш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулкни химоя қилиш каби қатор йўналишлар ҳамда аксилкоррупция ва лингвистик экспертизалардан ўтказилди. Жамоатчилик экспертизаси 300 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилот иштирокчиси. Фуқаролик жамияти институтлари таклифлари, жумладан, “инсон шаъни ва қадрини улуғлаш”, янги “инсон – жамият – давлат” парадигмасини ҳаётга изчил таътиқ этиш, халқчил, адолатли ва ижтимоий давлат қуриш, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий мустаҳкамлаш, болалар, хотин-қизлар ва ногиронлиги бор шахслар эркинликлари, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, экологик муаммоларни ҳал этиш каби йўналишларни ўз ичига қамраб олди.

Ўзбекистондаги конституциявий ислохотларнинг турли жабҳаларига бағишланган 6 та республика ва 10 дан ортиқ халқаро форумда жамоатчилик экспертизаси материаллари сновдан ўтказилди ва конституциявий қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Бу борадаги барча тадбирлар натижасида фуқаролик жамияти институтлари вакиллари томонидан конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан 200 дан ортиқ таклиф ишлаб чиқилиб, ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир таклифларни шакллантириш учун Конституциявий комиссияга киритилди. Жамоатчилик экспертизаси жамият ва давлат тараққиётининг “Инсон – жамият – давлат”, “Инсон шаъни ва кадр-қиммати йўлида” деган янги парадигмаси, тамойиллари призмаси орқали амалга оширилди.

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

Конституциявий комиссия таклифига асосан, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, академик ҳамжамият, халқаро ва хорижий ноҳуқумат ташкилотлар билан ҳамкорликда конституциявий ислохот ҳамда конституци-

БОШ ҚОМУСИМИЗ 30 ЁШДА

# ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ – ЧИНАКАМ ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

явий конун лойиҳасининг турли янгиликларига бағишланган 100 дан ортиқ миллий ва 40 дан зиёд халқаро форум, жамоатчилик маслаҳатлашуви нафақат мамлакатимизда, шунингдек, хорижий мамлакатларда (АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Польша, Россия, Саудия Арабистони, Швейцария, Япония, Ҳиндистон кабиларда) ҳам ўтказилди. Уларда конституциявий ислохотлар ва Конституциямиз янгиланиши жараёнида “Инсон – жамият – давлат” тамойилини амалга ошириш, ногиронлиги бўлган шахслар, хотин-қизлар, ёшлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари эркинликлари, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий давлат қуриш, хусусий мулкни, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби мавзулар агрофлича муҳокама қилинди. Бу тадбирларда халқаро экспертлар, парламент аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатшунослар иштирок этиб, конституциявий конун лойиҳаси ва ислохотлар борасида ижобий фикр-мулоҳазалари ҳамда амалий тавсияларини берди. Хусусан, 2022 йил 20 июль куни “Ногиронлар ҳуқуқларининг дунё мамлакатлари конституцияларида акс эттирилиши” мавзусида халқаро жамоатчилик эшитуви ташкил этилди. Ундан мақсад аҳолининг заиф қатламлари ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий ва халқаро тажрибани ўрганиш, ногиронлар ҳуқуқларини кафолатловчи тамойилларнинг дунё конституцияларида акс эттирилиши, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий конун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Бу жараёнда қатор хорижий давлатлар конституциялари таҳлил қилинди ва конституциявий конун лойиҳасига ногиронларнинг ҳуқуқини таъминлашга қаратилган 20 га яқин таклиф билдирилди.

## БМТ ВА КОНСТИТУЦИЯ

Ҳозир Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг барча тузилмаларидаги фаолиги, қолаверса, нуфузи ҳар қачонгидан юқори. Бугун мамлакатимиз БМТ билан яқин ҳамкорликда 200 дан ортиқ лойиҳани амалга оширмоқда. Биргина 2022 йилнинг ўзига Ўзбекистон ташаббуси билан тайёрланган олтинга ҳужжат БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди. Бу Бухоро декларацияси, 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси, БМТнинг Марказий Осиёда терроризмга қарши глобал стратегияси биргаликда амалга оширилишининг ўн йиллигига бағишланган халқаро конференция иштирокчилари томонидан қабул қилинган Тошкент декларацияси, Гуманитар ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро кўп функцияли транспорт ва ло-

гистика марказини ташкил этиш тўғрисидаги, “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғланган дунёда мулоқот ва ҳамкорлик: ШХТнинг Самарқанд саммити: умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида бирдамлик” каби ҳужжатлардир. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан ташкилот Бош Ассамблеясининг қатор муҳим махсус резолюциялари қабул қилинди. Бундан ташқари, БМТнинг Оролбўйи бўйича траст жамғармаси ташкил этилди.

БМТ Тараққиёт дастури, Европа иқтисодий комиссияси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, УНИДО, ФАО ва глобал ташкилотнинг бошқа тузилмалари билан самарали амалий ҳамкорлик кенгаймоқда. Ўзбекистон конституциявий ислохотлар жараёнида БМТ билан яқин ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Масалан, БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Ўзбекистондаги конституциявий ислохотларга бағишланган халқаро давра суҳбатида 40 дан ортиқ давлатнинг Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Африка минтақаларидаги миссиялари доимий вакиллари ва экспертлари, шунингдек, БМТнинг турли тузилмалари ходимлари иштирок этди. Тадбирда Ўзбекистон тарихидаги ноёб тажриба – конституциявий конун умумхалқ муҳокамасидан ўтказилаётгани, конституциявий ислохот миллиати, дини, ёши, жинси, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг манфаатларига мос келиши, ислохотнинг инклюзивлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар алоҳида эътироф этилди. Хусусан, Озарбайжоннинг БМТдаги доимий вакили Я.Алиев ва Япониянинг БМТдаги миссияси эксперти Ш.Митсута Конституциявий комиссиянинг конституциявий конун ижодкорлиги соҳасидаги илғор халқаро тажрибани чуқур ўрганиш фаолиятини юқори баҳолади. У референдум орқали халқнинг қўллаб-қувватлаши билан конституциявий ислохотлар муваффақиятли якунланишига қатъий ишонч билдирди. Германиянинг БМТдаги доимий ваколатхонаси маслаҳатчиси М. Колл Конституцияни янгилашда Ўзбекистон томонидан қўлланилаётган ёндашув ислохотларнинг инклюзив ва кенг камровлигини таъминлаш, давлат олдида турган вазифаларни самарали ҳал этишнинг ёрқин намунаси эканини таъкидлади. Мазкур халқаро давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистон Конституциясига киритилаётган ўзгартиришлар БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш бўйича кун тартиби мақсадлари билан уйғун эканини алоҳида қайд этди. Парламентлараро иттифок Бош қотиби Мартин Чунгоннинг таъкидлашича, БМТнинг Женевада (Швейцария)ги қароргоҳида ташкил этилган давра суҳбатида иштирок этган 30 дан ор-

тиқ халқаро ташкилот томонидан мамлакатимиздаги конституциявий ислохотлар ижобий баҳоланган ва қўллаб-қувватланмоқда. М.Чунгонг конституциявий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири аёллар ва қизларнинг кадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш эканига алоҳида эътибор қаратди. Конституциямизга таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси, Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси норма ҳамда тамойилларига тўлиқ мослигига урғу берди. Барча тадбирлар бўйича якуний ҳужжатлар қабул қилиниб, Конституциямиз ва қонунийликни такомиллаштириш масалалари таҳлил этилди, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комитетлари бошқармасининг конституциявий конун лойиҳасига расмий шарҳлари ва таклифлари олинди. Қатор халқаро ташкилотлар ва экспертлар конституциявий конуннинг умумхалқ муҳокамаси БМТнинг конституциявий ислохотларни ўтказиш борасидаги тегишли тавсиялари, бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг тегишли ҳужжатлари, дунёда замонавий конституциявий ривожланишнинг устувор тенденциялари, шунингдек, “Халқ – қонуларнинг ягона манбаи ва муаллифидир” устувор тамойилига тўла-тўқис риоя қилинган ҳолда амалга оширилган, деб ҳисобламоқда. Шу билан бирга, ушбу конституциявий конуннинг умумхалқ референдуми асосида қабул қилиниши мақсадга мувофиқлигини таъкидламоқда.

## КОНСТИТУЦИЯ ВА ОАВ

Аҳолига конституциявий конун лойиҳасини кенг таништириш, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда ҳар бир модданинг кенг муҳокамасини ташкиллаштириш, фуқаролар фикрини ўрганиш, бу борада аҳоли турли қатламлари ва Конституциявий комиссия ўртасида мустаҳкам алоқани таъминлашда минглаб журналист ва блогер иштирок этмоқда. Муҳокамаларда “энг қийин”, “ноқулай”, аввал “ўта нозик” кўрилган турли масалалар ҳам, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий соҳага ёки экология, гуманитар ва бошқа соҳаларга тааллуқлигидан қатъи назар, ўртага ташланди. Жамиятдаги фикрлар ва ғоялар хилма-хиллиги, улар орасидаги рақобат яққол намоён этилди. Сўзсиз, бу ҳам ўзига яраша бир индикатор бўлиб, Ўзбекистоннинг янгиланаётган Конституцияси ҳақиқий халқ Конституцияси эканини таъминлашга ҳамда

ҳар бир моддани аҳоли фикрини инобатга олиб сайқаллашга хизмат қилмоқда. Конституциявий комиссия Матбуот хизмати икки йўналишда фаолият юритмоқда. Биринчи йўналишда конституциявий ислохотлар ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритилмоқда. Давлат ва нодавлат телеканаллар, радиоканаллар, босма нашрларда Конституциявий комиссия фаолияти, фуқаролардан келиб тушаётган таклифларни кўриб чиқиш жараёнлари, турли соҳа вакиллари иштирокида интервью, давра суҳбатларини ташкил этиш бўйича медиарежа ишлаб чиқилди ва у асосида медиалойиҳалар ташкил қилинмоқда. Хусусан, 20 майдан 18 ноябрга қадар давлат телеканалларида 7401 та, нодавлат телеканалларида 7167 та, жами 14 минг 568 та лавҳа, интервью, инфографика ва махсус кўрсатув эфирга узатилди. Давлат радиоканалларида 2151 та, нодавлат радиоканалларида 1947 та, жами 4098 та инфографика ва махсус эшитириш ташкил қилинди. Марказий босма нашрларда 786 та, ҳудудий босма нашрларда 584 та, жами 1370 та мақола чоп этилди. Конституциявий комиссия аъзолари ва экспертларнинг ОАВда мунтазам чиқишлари ташкил этилмоқда. Конституциявий ислохотлар юзасидан интернет нашрларда 7726 та, “Telegram”, “Facebook”, “Instagram”, “YouTube” каби ижтимоий тармоқларда 52 минг 550 та, жами 60 минг 276 та ахборот материаллари эълон қилинди. Шунингдек, Конституциявий комиссия Матбуот хизматининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари ва www.meningkonstitutsiyam.uz интернет порталига комиссия фаолияти ҳамда конституциявий ислохотлар юзасидан ахборотлар бериб борилмоқда. Конституциявий комиссия Матбуот хизматининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида шу кунгача жами 1095 дан ортиқ ахборот материаллари (ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида) жойлаштирилди. Иккинчи йўналишда Конституциявий комиссия Матбуот хизмати томонидан ташкилий чора-тадбирлар ва мониторинг таҳлил ишлари амалга оширилмоқда.

Конституциявий ислохотларни тарғиб қилишга қаратилган 555 дан ортиқ репортаж, видеоролик тайёрланиб, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритил-

лиши таъминланмоқда. Шунингдек, комиссия, комиссия ҳузуридаги гуруҳлар иш жараёнлари, Матбуот хизмати фаолияти ҳамда фуқаролардан таклифлар келиб тушиши жараёнлари акс этган 95 та “Backstage” репортаж суратга олинди, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб қилинмоқда. Конституциявий ислохотлар, уларнинг мазмун-моҳияти, бу борада соҳа мутахассислари, комиссия аъзолари, қолаверса, фаол жамоатчилик вакиллари билдирган фикр-мулоҳазалари билан муштарийларни таништириб бориш мақсадида “Конституциявий ислохотлар газеталарнигоҳида” таҳлилий шарҳларининг 14 та сони тайёрланди ва кенг ёритилиши ташкил қилинди (ўзбек ва қорақалпоқ тилларида). Шу билан бирга, www.meningkonstitutsiyam.uz интернет порталида рўйхатдан ўтиш ва таклифларни юбориш бўйича махсус видеоқўлланма тасвирга олиниб ёритилиши, давлат ва нодавлат телеканалларда тарғиб қилиниши натижасида порталдан фойдаланувчилар сони кескин ортиб, бугунги кун ҳолатига қўра, 73 минг 600 нафарни ташкил этмоқда. Шунингдек, фуқаролардан келиб тушаётган таклифларга портал фойдаланувчилари томонидан 15 минг 872 та изоҳ ҳамда 384 та қўшимча таклиф қолдирилган. 3, 8 ва 15 июнь кунлари барча мобил алоқа операторлари орқали фуқароларга ўз таклифлари билан конституциявий ислохотлар жараёнида фаол бўлишга қаратилган смс-хабарномалар юборилиши ташкил қилинди. Мазкур смслар 30 миллион абонентга юборилди. Умуман, конституциявий ислохотлар жараёнида ўз таклифлари билан фаол қатнашган барча фуқароларга миннатдорлик смс-хабарномалари юборилмоқда.

Конституциявий ислохотлар юзасидан интернетда эълон қилинган ахборот материаллари фойдаланувчилар томонидан 270 миллион мартадан ортиқ кўрилган ва 122 мингдан ортиқ изоҳ қолдирилган. “Дунё” ахборот агентлиги эса расмий сайти ва ижтимоий тармоқларда Ўзбекистондаги конституциявий ислохотларга бағишланган халқаро даражадаги анжуманлар ва хорижий давлатлар жамоатчилиги фикрларини, ОАВларда берилган мақолалар шарҳини мунтазам равишда ёритиб борди.

**Умуман, юқоридагиларни инобатга олиб ҳамда бугунги кунда халқимиз бераётган таклифларни, мамлакатимиздаги ислохотларнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш масалаларини ҳам ҳар томонлама ўрганиш заруриятдан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси конституциявий конунни янада такомиллаштириш борасида қарор қабул қилди.**

**Акмал САИДОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Конституциявий комиссия раиси.

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

# ИНСОНЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ


**Хабарингиз бор, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига асосан, Президент маслаҳатчиси Ғофуржон Мирзаев бошчилигидаги 24 та вазирлик ва идора раҳбарларидан иборат Республика Ишчи гуруҳи аъзолари вилоятларда шароити оғир бўлган энг чекка қишлоқларда аҳоли муаммолари ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиш ва ўз жойида ҳал этиш бўйича ишларни бошлаган эди.**

Таъкидлаш муҳимки, тажриба сифатида илк манзил Тошкент вилоятининг Окқўрғон тумани танланган бўлиб, мазкур тажриба ўзининг ижобий натижаларини бергач, ушбу амалиётни бошқа ҳудудларда ҳам давом эттириш муҳимлиги белгиланди. Аҳамиятлиси шундаки, Республика ишчи гуруҳи масъуллари бевосита чекка ҳудудлардаги қишлоқларда маҳалла фаоллари ва оқсоқоллари билан маслаҳатлашган ҳолда кўп йиллик муаммоларга ечим топишмоқда. Аввало шуни айтиш жоизки, Тошкент вилояти Окқўрғон туманида бирламчи тиббий-санитария ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари ижросини ўрганиш, таҳлил қилиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда вилоят Бош мутахассислари секторларга ажратилган ҳолда, жалб қилинди.

балки уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш билан давом этди. Ушбу мақолада бу ҳақида батафсил танишишингиз мумкин.

Таҳлилий натижаларга қараганда мазкур ҳудуддаги тиббий муаммолар куйидигича аниқланиб, муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Ўрганишлар чоғида ҳудуддаги 42 та маҳалла фуқаролар йиғинида жами 1398 та хонадон (5702 нафар фуқаро)га бориб, 754 нафар

хонадон (жами тадбир бошидан 392 та хонадон) 417 нафар (жами тадбир бошидан 1698 нафар) фуқаро ўрганилиб, 36 нафар (тадбир бошидан 351 нафар) аҳолида турли хил касалликлар аниқланди. Шулардан 1 нафарига (тадбир бошидан 6 нафар) Республика муассасаларида даволаниш учун электрон навбатга қўйилди. 3 нафари (тадбир бошидан 11 нафар) вилоят муассасаларига, тадбир бошидан 8 нафар бемор туман марказий шифо-



бир бошидан 161 нафар) аҳолида турли хил касалликлар аниқланди. Шулардан 2 нафарига Республика муассасаларида (тадбир бошидан 3 нафар) даволаниш учун электрон навбатга қўйилди. Тадбир бошидан 6 нафар бемор вилоят муассасаларига ва 6 нафари туман марказий шифохонасига ётқизирилиб, қолган 49 нафарига (тадбир бошидан 146 нафар) амбулатор даво тавсия этилди.

**III сектор** тумандаги 6 та маҳаллада (жами тадбир бошидан 15 та маҳалла) да 196 та хонадон (жами тадбир бошидан 442 та хонадон) 594 нафар (тадбир бошидан 1446 нафар) ўрганилганда, 33 нафар (тадбир бошидан 134 нафар) аҳолида турли хил касалликлар аниқланди. Шулардан 1 нафарига (тадбир бошидан 7 нафар) Республика муассасаларида даволаниш учун электрон навбатга қўйилди, 2 нафари (тадбир бошидан 8 нафар) Вилоят муассасаларига, 3 нафари (тадбир бошидан 18 нафар) туман марказий шифохонасига ётқизирилиб, қолган 27 нафари (тадбир бошидан 96 нафар) амбулатор даво тавсия этилди.

**IV сектор** тумандаги 1 та маҳаллада (жами тадбир бошидан 8 та маҳаллада) 41 та хонадон (жами тадбир бошидан 245 та хонадон) ўрганилганда, 120 нафар (тадбир бошидан 972 нафар) ўрганилганда, 8 нафар (тадбир бошидан 108 нафар) аҳолида турли хил касалликлар аниқланди.

Шулардан тадбир бошидан 2 нафар Республика муассасаларида даволаниш учун электрон навбатга қўйилди. 1 нафари (тадбир бошидан 11 нафар) Вилоят муассасаларига ва тадбир бошидан 14 нафар туман марказий шифохонасига ётқизилди, қолган 7 нафарига (тадбир бошидан 81 нафар) амбулатор даво тавсия этилди.

**Аҳолининг мурожаатлари ўрганилди, тавсиялар берилди ва амалиётлар бажарилди.**

Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятов Окқўрғон туманида истикомат қилаётган фуқаролар хонадониди бўлар экан, мурожаат ва муаммоларни ўша ернинг ўзида ҳал этиш чораларини кўрди. Вазирнинг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятов мазкур тумандаги Талаул дача МФЙда истикомат қилувчи Муродилла Ҳасанов хонадониди бўлиб, аввало, оила шароитлари билан танишди. Ҳақиқатан ҳам бемор Муродилла Ҳасановнинг яшаш шароити оғирлиги, турмуш ўртоғи ва икки фарзанди бўла туриб ҳеч қаерда ишламаслиги, қолаверса, оила боши эканлиги ва олти йилдан буён чап томонлама чанок бўғими I даражали коксартрози ташхиси билан даволанмай юрганлиги аниқланди. Вазирнинг биринчи ўринбосари оила аъзолари билан суҳбатда бўлиб, уларнинг мурожаатларига ойдинлик киритди. Ва ишчи гуруҳ ҳамда туман тиббиёт бирлашмасининг мутахассислари билан келишган ҳолда бемор Муродилла Ҳасановни зудлик билан туман тиббиёт бирлашмасига ётқизиш чорасини кўрди. Бемор тез ёрдам машинасида ўша пайтни ўзидаёқ шифо масканига олиб келинди ва тиббий текширувлар ўтказилиб, режали даволанишга ётқизилди. Шунингдек, тиббий хулосаларга кўра, тез орада беморга 2-гуруҳ ногиронлиги берилди. Муродил-



Мазкур ҳудуддаги тиббий муаммоларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятов масъул этиб тайинланди. Ўрганишлар самарали кечди. Аҳоли тиббиётдаги ўзгаришларни ўз ҳаётларида ҳис этаётганликларини, бу йўналишда катта ислохотлар бошланганини самимий учрашувларда баён этишди. Бу шунчаки ўрганиш эмас,

фуқарода ҳар хил касалликлар аниқланди. Шулардан 100 нафар фуқаро (18 нафари Республика, 36 нафари вилоят ва 46 нафари туман миқёсидаги) шифохоналарга ётқизилди. 654 нафар беморга малакали мутахассислар томонидан амбулатор шароитда даволаниш тавсия этилди.

**Жумладан:**

**I сектор** тумандаги 2 та маҳалла (тадбир бошидан 9 маҳалла) ўрганилганда, 92 та

хонасига стационар шароитда даволаниш учун ётқизилди. Қолган 37 нафарига (тадбир бошидан 331 нафар) амбулатор даво тавсия этилди.

**II сектор** тумандаги 3 та маҳаллада (жами тадбир бошидан 10 та маҳаллада) да 85 та хонадон (жами тадбир бошидан 319 та хонадон) 413 нафар (жами тадбир бошидан 1586 нафар) фуқаро ўрганилиб, 51 нафар (жами тад-

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

# ИНСОНЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ



ла Ҳасанов ва унинг оила аъзолари бундай эзгуликлардан хурсанд бўлиб ишчи гуруҳ ва Давлатимиз раҳбарига ўзларининг миннатдорликларини изҳор этишди.

Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятлов ва тиббиёт ходимлари ушбу туманда истиқомат қилувчи **74 ёшли онахон Турсуной Андакова хонадонига ташриф буюрди.** Онахон билан суҳбатда бўлар экан, унинг оилавий шароитларини ўрганиб чиқди. Турсуной Андакова ижтимоий ҳимояга муҳтож эканлигини, ҳозирча шифохонада даволанмаслигини ва декабрь ойида сихатгоҳда саломатлигини тиклаш учун амалий ёрдам кўрсатишларини сўради. Оиланинг шароити ҳар томонлама инобатга олиниб, ўша ернинг ўзида мурувват ёрдами кўрсатилди.

**✓Эътиборлиси шундаки, бирор бир муаммо жавобсиз қолаётгани йўқ. Кимгадир моддий ёрдам кўрсатилса, яна кимгадир нуфузли клиникаларда бепул даволаниши учун йўлланмалар берилмоқда. Ҳатто кўпгина ка-**

лашмаси бошлиғига онахонни малакали мутахассислар томонидан тиббий текширувлардан ўтказиш ва даво муолажаларини олиб бориш топширигини берди. Сўнгра, онахоннинг турмуш ўртоғи Мадрайим Эгамбердиев билан суҳбатлашар экан, отахон 7 йилдан буён бош соҳасидаги ўсмасимон ҳосилалардан қийнаётганлигини



**салликлар туман шифохонасининг ўзида тезкорлик билан операция қилинмоқда.**

Вазирнинг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятлов Окқўрғон тумани Маданият МФЙда яшовчи Мадрайим Эгамбердиев хонадонига бўлар экан, ушбу оилада вазият анчагина оғир эканлигини гувоҳи бўлди. Аввало, тўшақда миҳланиб қолган онахон билан суҳбатлашди. Худуд тиббиёт ходимларининг айтишига қараганда 10 йилдан буён онахон ётоқда бўлиб, иккала оёғидаги оғриклар безовта қилар экан. Вазирнинг биринчи ўринбосари зудлик билан таҳлилий натижаларни кўриб, туман тиббиёт бир-



айтди. Амрилло Иноятлов отахоннинг бош соҳасидаги уч дона ўсмасимон ҳосилаларни кўрар экан, бу ҳолат мураккаб эмаслигини ва туман тиббиёт бирлашмасида ҳосилаларни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш мумкинлигини



## ОНАИЗОРНИНГ ҚУВОНЧ КЎЗ ЁШЛАРИ БАРЧАНИ ЙИҒЛАТДИ



**Б**ундан бир ҳафта олдин Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятлов Окқўрғонга ташриф буюриб, Умидахоннинг саломатлигидан хабар олганди. Ундаги ўзгаришларни кўриб, вилоят мутахассисларига Тошкент вилояти перинатал марказига да-

воланиши учун топширик берди. Умидахон бундан олти ой олдин учинчи фарзанди Имронбекни дунёга келтираётган пайтида кўп қон йўқотганлиги сабабли, бош мия ишемик инсультга касаллигига учраганди. Ҳатто, олти ой давомида хотирасини ҳам йўқотиб қўйган эди. Вазирнинг би-

ринчи ўринбосари Амрилло Иноятлов беморга бир нечта саволлар билан мурожаат қилганида у ҳеч нарсани эслай олмаганди. Мана бугунга келиб бемор бир ҳафта давомида вилоят перинатал марказида малакали тиббиёт ходимлари томонидан олган муолажалари туфайли бутунлай соғайиб кетди. 7 декабрь куни вазирнинг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятлов ушбу марказга ташриф буюриб Умидахон ва унинг оиласи билан учрашди. Суҳбат чоғида Умидахоннинг онажониси кўзларидан қалқиб тушган қувонч кўз ёшлари барчани йиғлатди.

Улар аввало, Юртбошимизга ва вазирнинг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятлов ҳамда марказ ходимларига чексиз миннатдорчиликларини изҳор этишди.

ижтимоий аҳволдаги Владимир Вятчинининг даволалиши учун Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонасига ётқишида амалий ёрдам кўрсатди. Тезда шифохонанинг тиббиёт ходимлари томонидан Владимир Вятчининг даволалиши ишлари бошлаб юборилди.

золарининг саломатлиги ва турмуш тарзи билан танишди. Ушбу хонадонда бир ярим ёшли кичкинтойнинг ташхиси билан танишгач, унда ўтказилиши керак бўлган операцияга яна бир муддат борлигини айтиб, ушбу операцияда ўзи иштирок этишини ҳам таъкидлаб ўтди.

**Биз жараёнларда давом этамиз. Ҳали олдинда жуда кўплаб муаммолар турибди. Аини пайтда Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятлов Тошкент вилоятининг туғруқ мажмуаларидаги фаолиятлар билан танишиб, муаммолар ечимини хал қилмоқда.**

**Ибодат СОАТОВА,**  
журналист.

## ЯНГИ ТАЖРИБА

Президентимиз тиббиёт ходимлари билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотда бирламчи тиббий-санитария хизматини ислоҳ қилиш бўйича ҳам устувор вазифаларни белгилаб берган эди.

шифохоналарнинг юкчасини сезиларли даражада камайтирмоқда. Бу эса даволаш муассасаларида оғир аҳволдаги беморларга зарур шароитлар яратишга имкон берапти.

Биргина Олмазор туманидаги кўп тармоқли марказий поликлиника ва оила-

## ОЛМАЗОР ТУМАНИДА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ РЕЙТИНГ АСОСИДА РАЎБАТЛАНТИРИЛАДИ

Олмазор тумани – бу борадаги топшириқлар ижроси бўйича намуна бўлаётган ҳудудлардан. Туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси ва оилавий поликлиникаларда мазкур йўналишда пилот лойиҳалар ишга туширилган бўлиб, уларнинг дастлабки самаралари кўзга ташланяпти.

– Давлатимиз раҳбари тиббиётнинг бирламчи тизими олди-га 5 та асосий вазифа кўймоқда, – дейди Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи, вазир ўринбосари Анвар Алимов. – Булар қуйидагилар:

– касалликлар профилактикаси;

– хасталикларни эрта аниқлаш (скрининг);

– аниқланган беморларни назоратга олиш;

– уларни уй шароитида ёки поликлиникада амбулатор шароитда муолажа қилиш;

– хавфлилик даражасига кўра, стационар ҳолатда даволаш ва реабилитация қилиш каби вазифалардир.

– Касалликлар профилактикаси йўналишида бирламчи тиббиёт муассасаларидан ташқари маҳалла фуқаролар йиғини идораларида “Саломатлик мактаблари” ташкил этилмоқда. Бу ерда ҳафтанинг 6 кунини аҳолига соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш тартиблари кенг тарғиб қилинади.

Яқинда ишга туширилган “Тошкент тажрибаси” лойиҳаси доирасида соғлом турмуш тарзига риоя қилган ва бу борада юқори натижаларга эришган фуқароларни рағбатлантириш ҳам касалликлар профилактикасида ижобий самара бериши, шубҳасиз. Хасталикларни эрта аниқлаш йўналишида бир қанча скрининг тадбирлари ўтказилмоқда. Бу борада тумандаги бирламчи тиббиёт муассасаларида ташкил этилган прена-

“Тошкент тажрибаси” лойиҳаси доирасида соғлом турмуш тарзига риоя қилган ва бу борада юқори натижаларга эришган фуқароларни рағбатлантириш ҳам касалликлар профилактикасида ижобий самара бериши, шубҳасиз.

вий поликлиникаларда 149 та ўринга эга кундузги шифохоналар 8:00 дан 20:00 гача ишламоқда. Натигада йил бошидан бери 4 минг нафардан ортиқ фуқаро соғломлаштирилди. Мазкур ишларнинг давоми сифатида туманда жорий йил сўнгига қадар 6 та, 2023 йилнинг дастлабки 6 ойида 30 та маҳалла тиббиёт пункти ишга туширилади.

Бирламчи тиббий хизмат самарадорлигини таъминлашда электрон поликлиника тизимининг аҳамияти ҳам бекиёс. Уни жорий этиш учун туман поликлиникалари компьютер жихозлари билан таъминланиб, локал тармоқ шакллантирилди. Туман бирламчи тиббиёт муассасаларида мутахассислар иш самарадорлигини баҳолаш рейтинг тизимини жорий этиш бўйича пилот режимда ишлаган юртимиздаги икки муассасасидан биридри (иккинчиси – Уйчи тумани).

Унга кўра, Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасидан йўналтирилган маблағ 5 фоиздан 10 фоизга кўтарилди.

Аввал жамғарма маблағининг 25 фоизи мутахассисларни рағбатлантиришга сарфланган бўлса, энди мазкур кўрсаткич 75 фоизга етди.

Тумандаги бирламчи тиббиёт муассасаларининг тўрт ойлик натижаларига кўра, жами мутахассисларнинг 29 фоизини рағбатлантириш прогност қилинмоқда.

Кўрсаткичлар иш самарадорлиги ошиб боргани сари ўзгариб боради. Бу эса ходимлар ўртасида рақобат муҳитини яратади ва тиббий хизмат сифатини оширади.

тал ташхис хоналарида ҳомиладорлар оммавий тарзда ультратовуш текширувидан ўтказиляпти.

**Бундан ташқари:**  
– 30-55 ёшгача аёлларда бачадон бўйни саратони скрининги;

– 45-65 ёшгача бўлган хотин-қизларда сут бези саратони скрининги;

– 0-18 ёшли болалар орасида онкогематологик касалликлар скрининги;

– қандли диабет ва гипертония бўйича скрининг тадбирлари режалли олиб борилмоқда.

Беморларни назоратга олиш йўналишида аҳоли хатловдан ўтказилиб, хавф гуруҳларига кўра таснифланди. Реабилитация тадбирлари натижасида 3 ва 4-хавф гуруҳида бўлган фуқароларнинг аҳоли уй шароитида яхшиланиб, соғлом гуруҳга ўтказиляпти.

Беморларни поликлиниканинг ўзида даволаш клиник

Ушбу рейтинг асосида рағбатлантириш 2023 йил 1 февралдан бошланади. Рейтинг ҳар олти ойда янгиланган бўлади.

@ssvuz

## МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

## ЖАРОҲАТЛАНГАН ҚУЛОҚ ПАРДАСИ ҚАЙТА ТИКЛАНМАЙДИМИ?

Қулоқ нафақат эшитув аъзоси, балки бош мияга энг яқин орган ҳисобланади. Шу боис унинг шикастланиши, айниқса, қулоқ пардасининг жароҳатланиши инсон саломатлигига жиддий хавф туғдиради.

Қулоқ пардаси ва қайт қилиш ҳам унинг (ноғора парда) аломатидир.

ташқи ва ўрта қулоқни бир-биридан ажратиб турувчи мембрана ҳисобланади.

Унинг асосий вазифаси овозни узатишдан иборат. Ноғора парда эшитиш тизимининг чуқурроқ қисмларига овозли тебранишларнинг сифатини бузмаган ҳолда етказиб беради. Шунингдек, қулоқ пардаси ташқи муҳит таъсирини сезувчан бўлиб, унинг лат ейиши, тешилиши ва йиртилиши эшитиш қобилиятининг вақтинчалик ёки қайта тикланмас даражада йўқолишига ҳамда ўрта қулоққа инфекция тушишига сабаб бўлади. Хусусан, қулоқ тозалаётганда тозалагични ичкари ўрта қатламга киритиб юбориш ёки ундаги ёт жисмлар, жумладан, турли ҳашаротлар ноғора пардасига зарар етказиши мумкин. Қолаверса, кучли шовқин, ҳаво босимининг ўзгариши, ўрта қулоқдаги ўткир яллиғланиш, баротравма, экссудатив, отит каби касалликлар ҳам ушбу муаммони келтириб чиқаради.

Қулоқ пардаси тешилганининг ўзига хос белгиларидан бири унда шовқин пайдо бўлишидир. Қолаверса, атрофдаги товушларни эшитиш, нутқ бузилиши, ундан шаффоф суюқлик, қон ёки йиринг оқиши, бош айланиши чақирувчи кўнгил айна-



Кўпчилик ушбу парда тешилса, қайта тикланмайди, деб ўйлайди. Бироқ, бу нотўғри тушунча. Статистик маълумотларга кўра, 55 фоиз ёрилган ноғора пардаси ҳеч қандай аралашувсиз мустақил тикланади.

Жароҳатнинг битиб кетиши танадаги ҳар қандай шикастланишда бўлгани каби табиий равишда содир бўлади. Жиддий клиник ҳолатларда эса жарроҳлик амалиёти ўтказилади. Операция умумий ёки маҳаллий анестезия остида ўтказилиши мумкин. Тешикни ёпиш жараёнида қулоқ супраси устидаги тери олинади. Ушбу муолажа манипуляцион микроасбоблар ва ўз-ўзидан сўриладиган чокларни қўллаш орқали амалга оширилади.

Тикланиш даврида қатъий риоя қилиниши керак бўлган бир неча тавсиялар мавжуд. Биринчидан, бурунни кескин қоқиш, ундан интенсив нафас олиш ва ўрта қулоқдаги босимни кучайтирувчи бошқа ҳаракатларни бажариш мумкин эмас. Шу билан бирга, бундай беморларга сузиш тавсия этилмайди. Чунки қулоққа суюқлик кириб кетмаслиги керак. Бундан ташқари, вақтинча ҳаво транспорти билан саёҳат қилиш тавсия этилмайди. Агар қулоқ пардаси тешилган бўлса, пайсалга солмасдан лор-шифокор назоратида даволаниш шарт.

Акс ҳолда эшитиш аъзосига турли инфекциялар тушиши оқибатида яллиғланиш жараёни жалланиб кетиши мумкин. Бу эса асорати оғир бўлган бошқа хасталикларга сабаб бўлади.

Санжар МАВЛОНОВ,  
Тошкент шаҳар, Яккасарой туман  
тиббиёт бирлашмаси бош шифокори.

## НАШЕ ЗДОРОВЬЕ

**Чувство жжения, которое появляется за грудиной или в верхней части живота, знакомо многим. Причина столь неприятных ощущений – изжога. Страдают ей от мала до велика. Изжога – это раздражение пищевода из-за желудочной кислоты.**

Чаще всего изжога возникает примерно через 15–30 минут после приема пищи. Иногда она беспокоит больных в ночные часы. Частая изжога не только сильно снижает качество жизни, но и свидетельствует о серьезных проблемах со здоровьем, а также сама по себе приводит к довольно тяжелым последствиям.

## ОТКУДА БЕРУТСЯ ЭТИ ОЩУЩЕНИЯ?

Среда здорового желудка кислая, что обусловлено действием соляной кислоты — основного компонента желудочного сока. В норме обратному движению пищи препятствует круговая мышца — сфинктер. При его ослаблении по тем или иным причинам кислое содержимое желудка забрасывается в пищевод. Данный процесс называется рефлюксом. Стенки желудка выстланы изнутри защитной пленкой слизи. Благодаря этому они не подвержены агрессивному действию кислоты. Но в пищеводе отсутствуют железы, вырабатывающие защитную слизь. Поэтому кислое желудочное содержимое разъедает слизистую оболочку органа. По сути, наблюдается не что иное, как химический ожог пищевода. Это проявляется чувством жжения, иногда боли в загрудинной области.

Большинство людей испытывают изжогу хотя бы иногда. Многие — по крайней мере, один раз в месяц. И хотя изжога причиняет дискомфорт, она не опасна для здоровья в большинстве случаев. Нередко она оказывается симптомом серьезных заболеваний, которые требуют безотлагательного лечения.

Если симптомы изжоги появляются слишком часто, это может быть признаком серьезной проблемы — гастроэзофагеальной рефлюксной болезни (ГЭРБ), т.е. хронического рефлюкса кислоты в пищевод. Без

## ИЗЖОГА. КАК С НЕЙ СПРАВИТЬСЯ?

лечения ГЭРБ может вызвать целый ряд осложнений, в том числе, эзофагит, язву пищевода, хрипоту, пищевод Барретта (изменения в слизистой оболочке пищевода, повышающее риск развития рака пищевода).

Существует целый ряд других причины изжоги:

1. Грыжа пищеводного отверстия диафрагмы

Самой распространенной жалобой при грыже пищеводного отверстия диафрагмы является изжога. Она появляется ночью, после еды или физической нагрузки.

2. Хронический гастрит с повышенной секрецией

Изжога возникает за счет того, что в желудке образуется слишком много соляной кислоты. Провоцирует избыточную секрецию кислоты употребление жирной, жареной и острой пищи, маринадов, холодных блюд, редкие, а также обильные приемы пищи. Изжога в таком случае сочетается с болями в верхней части живота сразу после еды.

3. Язва желудка и двенадцатиперстной кишки

На слизистой желудка появляется дефект (язва), который мешает ему нормально сокращаться и проталкивать пищу в кишечник. Еда в желудке задерживается, он сильно растягивается и в нем повышается давление. Все это еще больше усугубляет заброс в пищевод.

4. Ахилия и ахлоргидрия

При этих патологиях в желудочном соке нет соляной

кислоты и пепсина. Изжога же возникает потому, что в пищевод забрасываются молочная и масляная кислота, которые образуются при брожении пищи в желудке.

5. Болезнь оперированного желудка

Она бывает у людей, которым удалили часть желудка и двенадцатиперстной ки-

шечной кишки.

Гормон беременности — прогестерон, который расслабляет многие гладкие мышцы в организме и сфинктер пищевода не исключение. Все это приводит к тому, что сфинктер закрывается не полностью, и желудочный сок попадает в пищевод.

9.Нарушения режима пи-

не не наедаетесь на ночь (ужин должен быть за 3 часа до сна);

старайтесь не есть жирное, жареное, маринованное, острое, а также цитрусовые, лук, чеснок, кислые фрукты и шоколад;

попробуйте не пить кофе, алкоголь, крепкий чай, кислые соки и морсы.

не пейте лекарства, которые провоцируют изжогу.

Существуют народные средств борьбы с изжогой. Перечислим некоторые из них:

- приём активированного угля. Сравнительно безвредный, хотя, чаще всего, бесполезный способ;

- приём препаратов, снижающих выработку кислоты (ранитидин, омез, омепразол и др.). Эти препараты предназначены для лечения кислото-зависимых заболеваний, в том числе гастроэзофагеальной рефлюксной болезни, основным симптомом которой является изжога. При неправильном применении эти препараты могут вызвать повышение кислотности желудочного сока;

- приём мяты. Мята способствует расслаблению нижнего пищеводного сфинктера и, тем самым, облегчает заброс желудочного содержимого в пищевод;

- приём молока. Белки и кальций молока стимулируют секрецию желудком кислоты. Как и при приеме соды сначала временное облегчение, потом ухудшение;

- приём картофельного или капустного сока. Кстати, гастроэнтерологи используют капустный отвар для стимуляции секреции. Миллионы людей разного возраста страдают от изжоги. И только четверть пациентов обращаются к врачам за медицинской помощью. Симптоматика проявляется чувством жжения в пищеводе, ощущением переполненности желудка, болью в нижней части груди и сопровождается привкусом горечи, кислоты в глотке и во рту.

тания

Нерегулярные приемы пищи, переизбыток, еда второпях — все это способствует ослаблению пищеводного сфинктера и провоцирует изжогу. Вредные привычки (курение, злоупотребление алкоголем), хронический стресс тоже могут спровоцировать изжогу.

10. Погрешности в рационе

Жирные, жареные, острые блюда, свежая выпечка, чай, кофе, шоколад — злоупотребление такой пищей может вызвать изжогу даже у здоровых людей.

Чтобы изжога Вас не беспокоила, соблюдайте некоторые правила.

**Измените образ жизни:**  
после еды не наклоняйтесь; не ложитесь сразу после приема пищи (подождать нужно 1,5-2 часа);

спите на двух подушках; не носите тесную одежду, тугие пояса, бандаж или корсеты;

не поднимайте тяжелое; откажитесь от сигарет; задумайтесь о похудении при лишнем весе.

**Измените режим питания:**  
не переизбыток;  
не ешьте очень горячую или слишком холодную пищу;

**Изжога не столь безобидна по своей клинической природе. Поэтому визит к гастроэнтерологу и назначение адекватной терапии — основная рекомендация.**

**Севара АЗИМОВА,**  
доктор медицинских наук, доцент  
Ташкентской медицинской академии.



ки, например, при язве или опухоли. При этом к изжоге приводит пищеварительный сок, содержащий ферменты поджелудочной и желчь, который попадает в пищевод.

6. Лекарства  
Аспирин и некоторые нестероидные противовоспалительные препараты повреждают пищевод и желудок, что ведет к изжоге.

7. Некоторые продукты  
Изжога может возникать у здоровых людей после сильного переизбытка, употребления сладостей, черного хлеба, свежей выпечки, острой и жирной пищи, кисломолочных продуктов, алкоголя, шоколада, черного чая, кофе, кислых яблок или слив, лимонов, помидоров, томатных соусов.

8. Беременность  
У будущих мам изжога часто бывает на поздних сроках беременности. Причин здесь сразу несколько:

Растущая матка давит на желудок и смещает его вверх, где он занимает неестествен-

## • 101 ОГОХЛАНТИРАДИ •

## МАСЪУЛИЯТНИ ХИС ҚИЛМОҚ ЗАРУР

1. Эвакуация чикши жойларининг сони, уларнинг ўлчамлари, ёритиш ва тутундан химоялаши таъминланганлиги шароитлари, шунингдек, эвакуация йўллари-нинг узунлиги шахарсозлик нормалари ва қондаларидаги ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлиши керак.

2. Эвакуация йўлларидаги эшикларни қулфлаб қўйиш тақиқланади. Хонада одамлар бўлганда эшикларни ички томондан осон очилдириш қилиб қулфлаш мумкин. Эвакуация йўлларидаги барча эшиклар бинодан чикши йўналиши бўйича эркин очилиши керак.

3. Элик нафар одам йиғилиши мумкин бўлган барча хоналарда ҳамда барча

зина катаклариди, ўтиш жойлари ва бошқа эвакуация йўлларида эвакуация ёритиш чироклари ўрнатилиши лозим.

4. Бино ва иншоотларда ҳамда улардан чикши эшикларининг устки қисмида эвакуация йўллари ва чикши жойларини кўрсатувчи ёнғин хавфсизлиги белгилари ўрнатилиши керак. Одамлар оммавий бўладиган бино ва иншоотлардаги эвакуация йўллари бўйлаб чикши эшикларининг устки қисмида бинони тарқ этиш йўналиши бўйича яшил рангдаги «Чикши» деган ёзувли ёруғлик кўрсаткичлари ўрнатилиши лозим. Оммавий тадбирларни ўтказишда бинода одамлар бўладиган вақт ичида ёруғлик кўрсаткичлари ёқилган хо-

латда бўлиши керак. Жамоат бино ва иншоотларининг хоналари ва эвакуация йўлларидаги чикши кўрсаткичлари ҳамда пол устидаги ёниб турадиган «югурувчи йўлакча» типидидаги чикши йўналишини кўрсатиб турадиган кўрсаткичлар соз холлатда бўлиши лозим.

5. Хавфсиз эвакуацияни таъминлаш мақсадида қўйиладиган тақиқланади:  
а) йўлақлар, тамбулар, галерея, лифт холлари, зинапоялар олдидаги майдонларни, зинанинг қаватлар орасидаги қисмини (марш) ва қопқоқли тўйиқларни (люкларни) мебель, асбоб-ускуна, хар ҳил буюмлар билан тўсиб қўйиш, шунингдек, эвакуация эшикларини михлаб (берктиб) ташлаш;

б) хоналардан чикши жойларида (тамбуларда) хар ҳил кийим қуритиш жойлари, гардероб ва бошқаларни ўрнатиш ҳамда турли буюмларни ва материалларни сақлаш (кўп квартиралар уйлар ва якка тартибдаги турар жойлар бундан мустасно);

в) эвакуация йўлларида эшикларни имитация қиладиган витражлар, ойналар, остоналар, турникетлар, суриладиган, кўтариладиган ва айланадиган эшикларни ҳамда одамларнинг хонани ёки бинони эркин ҳолда тарқ этишлариға ҳалақит берадиган бошқа турдаги мосламаларни ўрнатиш;

д) йўлак, холл, тамбур ва зина катакларидидаги ўзи ёпиладиган эшикларни очиб ҳолатда ушлаш учун мосламаларни маҳкамлаб қўйиш (азар бу мақсадда ёнғин вақтида автоматик ҳолда ёпилиши мосла-

маси ўрнатилмаган бўлса) ҳамда уларни олиб қўйиш;

6. Технологик, кўрғазмали ва бошқа ускуналарни ўрнатишда лойиҳалаш нормаларига мувофиқ хоналардан зина катакларига ва бошқа эвакуация йўллариға чикши (ўтиш) йўлақлари таъминланган бўлиши керак.

7. Эвакуация йўлларидаги гиламлар, гилам пойандозлар ва бошқа ўрамли қопламалар полға мустаҳкам қотирилган бўлиши керак. Ушбу қопламаларни вестибюль ва зина катакларига жойлаштириш тақиқланади.

Сарвар ТУЛАГАНОВ.  
"O'zbekiston MTRK Mediamarkazi"  
ДМ Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлими маси ЁН ва ПБ инспектори, майор.

## • САЛОМАТЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА •

**Сафарга отланган фуқаролар вакцина олиш ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Натижада турли касалликларга чалиниш эҳтимоли ортади. Бу орқали нафақат ўзи, балки атрофдагиларнинг ҳам саломатлиги хавф остида қолади. Хорижда бўлиб қайтган ҳар бир одам ўзи билмаган ҳолда қайсидир касаллик ташувчисига айланиб қолиши мумкин.**

Йилдан йилга фуқароларнинг чет элга чиқиш кўрсаткичи ошиб бормоқда. Кимдир иш, кимдир дам олиш, яна кимдир зиёрат мақсадларни кўзлаб, хорижий давлатларга йўл олади. Айниқса, Умра амалларини бажаришда хусусий турфирмалар ҳам ўз хизматларини кўрсатаётгани фуқаролар учун янада кенгрок имкониятлар эшигини очгани рост. Буларнинг барчаси яхши албатта. Аммо масаланинг иккинчи, биров хавотирли томони ҳам бор.

Сўнгги йилларда менингитга тез тарқалувчи касаллик сифатида қариб, бунга қарши тизимли эмлаш ишлари ташкил қилиб келинган. Жумладан Ҳаж ва Умра зиёратларини адо этишга отланган ҳар бир ўзбекистонлик бу вакцинани қабул қилган. Аммо охириги вақтларда бу вакцинани қабул қилиш масаласи эътибордан деярли қолиб кетди.

**ХАВОТИР**

Менингит – ўта юқумли касаллик бўлиб, бош ва орқа мия пардаларининг ўткир яллиғланиши билан кечади. Мазкур касаллик дунёнинг аксарият мамлакатларида соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммоси бўлиб, касалликка чалинган беморларнинг ўлим ҳолатлари ва ногиронлик даражасининг юқори бўлиши билан хавфли.

Асосан Африка мамлакатларида кўп учрайди, ундан йилга 250 000 бемор вафот этади. Сафарга отланган фуқаролар вакцина олиш ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Натижада турли касалликларга чалиниш эҳтимоли ортади. Бу орқали нафақат ўзи, балки атрофдагиларнинг ҳам саломатлиги хавф остида қолади. Хорижда бўлиб қайтган ҳар бир одам ўзи билмаган ҳолда қайсидир касалликнинг ташувчисига айланиб

орқали юқадиган инфекциядир. Яъни касалликка чалинган кимдир аксирса ёки йўталса инфекция бутун атрофга тарқайди. Бу вирус ташқи муҳитга чидамиз бўлиб, одам организмидан ташқарида 30 дақиқадан сўнг нобуд бўлади. Микроб бурун, ҳалқум, орқа мия суюқлиги, қон ва терида кўпаяди. Шу боис унга чалинган бемор инфекция манбайи ҳисобланади. Ме-

мумулмонлари идорасига мурожаат билан чиқдик. Чунки Умра ва Ҳаж зиёратига бораётган инсонларни албатта гриппга ҳамда менингококка қарши эмлаш керак. Мурожаатимизда биз ушбу касаллик қандай кечилиши, юқумлилиқ даражаси бўйича тез тарқалувчи экани ҳақида маълумот бердик. Эпидемиологик жиҳатдан бу нафақат бориладиган мамлакатга, бал-

ки сиз билан бирга чегарани кесиб ўтиши ва бутун республика бўйлаб тарқалиши мумкин. Бирон сабабга кўра вакцина олмастик ёки вақтида ололмастик, бунга вақт йўқлиги хавфли. Шунинг учун, эмлаш ўз вақтида бўлиши керак. Биз ҳеч кимни мажбурламаймиз, лекин ихтиёрий, ўз саломатлиги учун эмланишни тавсия қиламиз”.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Вакциналар ва иммунопрофилактика бўлими бошлиғи Дилором Турсунова ҳар бир инсон ўз саломатлиги учун масъул эканлиги ҳамда эмланиш орқали нафақат ўзи балки атрофдагиларнинг ҳам саломатлигини асрашга

**МЕНИНГИТ – ЎЛИМ ХАВФИ ЮҚОРИ БЎЛГАН КАСАЛЛИК**

қолиши мумкин. Kun.uz хавфли менингит касаллиги ва ундан сақланишда вакцина олишининг аҳамияти ҳақида мутахассислар фикри билан қизиқди. Менингит касаллиги нимаси билан хавфли? Нега биз бу касалликдан ҳимояланишимиз керак? Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати эпидемиология бўлими бошлиғи, Тиббиёт фанлари номзоди Людмила Кудашева мазкур саволларга жавоб берди.

“Менингококк инфекцияси дунёнинг барча ҳудудларида қайд этилган юқумли касалликлардан бири. Қунига 30 000 га яқин бемор рўйхатга олинган давлатлар ҳам бор. Бу, биринчи навбатда, Нигер, Нигерия, Жанубий Судан, булар Африканинг жанубида жойлашган, “менингококк камари” деб аталадиган мамлакатлардир. У ерда ҳақиқатан ҳам жиддий эпидемик вазият бор ва бу жиддий глобал таҳдидни англатади. Нега биз одатда Ҳаж ёки Умра қилган барча фуқароларимиздан аввал эмланишни сўраймиз? Гап шундаки, киска вақт ичида у ерда дунёнинг турли бурчакларидан жуда кўп одамлар йиғилади. Ва, албатта, ҳеч қанча уларда менингококк инфекцияси йўқ деб қафолат бера олмайдимиз. Шу сабабли ҳам фуқароларимиз сафарга отланганларида менингококк инфекциясига, шунингдек, гриппга қарши эмланишлари керак. Гап шундаки, менингококк инфекцияси хаво

нингит исталган ёшда учраши мумкин. Кўп йиллик кузатувларимиз шуни кўрсатмоқдаки, менингитга қарши эмланганлар менингококк инфекциясига чалинмайди.

Четдан кириб келиш хавфи юқори бўлган касалликлар, жумладан, менингитнинг олдини олиш мақсадида СЭС ходимлари қандай ишларни амалга оширомоқда? Бу ҳақида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Тошкент шаҳар бошқармаси эпидемиология бўлими мудири Дилфуза Расулова тўхталиб ўтди.

“Менингококк инфекциясининг ўзидан ва асоратидан кўрканиз. Касаллик яқин тезлигида кечилиши мумкинлиги сабаб қўшимча касалликлар қўшилиши натижасида ўлим ҳолатларига олиб келиши мумкин. 2018-2019 йилларда менингит касаллигининг тўлқини кўтарилди. Вирус илк аниқланган беморлар чет давлатлардан кириб келган фуқаролар эди. Зудлик билан улар билан мулоқотда бўлганларни аниқлаб, касалликка қарши эмлашларни қилганимиздан кейин, касаллик кенг тарқалишининг олди олинди. Менингококк касаллиги кўзгатувчисининг соғлом ташувчилари ҳам бўлиши мумкин. Улар касалланганини билмаган ҳолда ўзидан ўша вирусни ёки бактерияни ташқи муҳитга чиқариб юришади. Кўплаб инсонлар йиғиладиган жойда шундай соғлом ташувчилар бўлса, вирусга қулай шароит туғилиши билан, касаллик кенг тарқалиши мумкин. Шу сабабдан биз Тошкент шаҳар

ки фуқароларимизга ҳам хавф туғдириши мумкинлигини тушунтирдик”.

Турли касалликлардан ҳимояланиш ҳамда уларнинг кенг тарқалиши олдини олишда вакциналарнинг аҳамияти ҳақида ЖССТ-нинг Ўзбекистонда-

ги ваколатхонаси иммунизация ишлари бўйича раҳбари Ренат Латипов шундай дейди: Дунёнинг ҳамма мамлакатлари ҳам ўз аҳолиси учун бундай хизматларни тақдим этмайди. Шундай давлатлар борки, эмлаш бизниқараганда анча қийин. Шунинг учун, бизнинг оилавий соғлиқни сақлаш бўйича маслаҳатимиз—овқатланиш ва эмлашларга риоя қилиш.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тавсия қилган вакциналарни олиш керак, бошқа давлатларга борсангиз ҳатто ўша давлат талаб қилмаса ҳам касалликнинг олдини оладиган вакциналарни олиш керак. Чет элга эмланмасдан кетган одам касал бўлиб, юртимизга қайтиб келиши мумкин. Инфекцияни юқтирган пайтдан бошлаб касалликнинг намоён бўлишигача бўлган инкубация даврида инфек-

ция сиз билан бирга чегарани кесиб ўтиши ва бутун республика бўйлаб тарқалиши мумкин. Бирон сабабга кўра вакцина олмастик ёки вақтида ололмастик, бунга вақт йўқлиги хавфли. Шунинг учун, эмлаш ўз вақтида бўлиши керак. Биз ҳеч кимни мажбурламаймиз, лекин ихтиёрий, ўз саломатлиги учун эмланишни тавсия қиламиз”.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Вакциналар ва иммунопрофилактика бўлими бошлиғи Дилором Турсунова ҳар бир инсон ўз саломатлиги учун масъул эканлиги ҳамда эмланиш орқали нафақат ўзи балки атрофдагиларнинг ҳам саломатлигини асрашга хисса қўшиши мумкинлигини айтиди. “Республика-мизда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти текширувдан ўтган, қафолат берилган вакциналар ишлатилади. Болаларимизга олиб келинадиган ва эмланадиган ҳамма вакциналаримиз ЮНИСЕФ орқали келади. Лекин вакциналарнинг ҳаммасига юз фоиз давлатимиз маблағ ажратади. Вакциналар сифати нафақат ЖССТ, балки Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳам қафолатланганидан кейин, маълум текширувлар ўтказилиб, ана ундан сўнг қўйланади. Жамоа бўлиб хорижий давлатларга сафар уюштиратган фуқаролардан, айниқса, Мусулмонлар идораси, диний қўмита вакиллари, қолаверса туристик фирмалар мутасаддиларидан вакцина масаласига беътибор бўлмастикларини сўраб қоладик”.

Мутахассисларнинг фикридан хулоса қиладиган бўлсак, инфекциялар йўқ бўлиб кетмаган. Ташувчилар ҳам бор. Маълум касаллик рўйхатга олинмаётган бўлса, бу унинг йўқолиб кетганини англатмайди. Қулай шароит пайдо бўлиши билан инфекциялар авж олиши бошлайди.

*Қолаверса, касалликларнинг кириб келиши учун ҳеч қандай чегаралар мавжуд эмас. Фақат инсон ўзини ўзи ҳимоя қилиши керак. Мутахассислар бунинг ҳозирги кунда синовдан ўтган энг самарали усули ўша касалликлар учун вакцина олиш эканини айтишмоқда.*

**Чарос МАННООВА,**  
журналист



**Асосан Африка мамлакатларида кўп учрайди, ундан йилга 250 000 бемор вафот этади. Сафарга отланган фуқаролар вакцина олиш ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Натижада турли касалликларга чалиниш эҳтимоли ортади.**

**Газета муассиси:**  
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

**Бош муҳаррир Амрилло ИНОЯТОВ**  
**Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават.  
Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**Адади 673 нусха.**  
**Буюртма Г-1240**

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.